Ушбу сонда:
2 «ЭЛ-ЮРТ ҲУРМАТИ» ОРДЕНИ СОҲИБЛАРИ
3 БИЗДАН СЎРАГАН ЭДИНГИЗ
4 *Муаммо, мулоҳаза, таклиф* ЧИҚИНДИ ҲАМ БИЛГАНГА БОЙЛИК



ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ. ОЛИЙ БАХТ

OZBEKISTON KASABA UYSHMALARI FEDERATSIYASI — FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

**2005 йил 18 октябр, сешанба № 169 (2010)**

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ


*Бир Фармон шарофати*

## ХУСУСИЙ СЕКТОР улушини ошираётган омил

Президентимизнинг "Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонида барча даражадаги давлат ва хўжалик бошқаруви идоралари, ҳокимликлар қабул қилинган ҳужжатларнинг татбиқ этилишини таъминлашлари, мамлакатнинг ҳар бир фуқароси амалга оширилган иқтисодий ислоҳотлар аниқ ижобий натижаларини ҳис этиши лозимлиги алоҳида кўрсатилган.

Қашқадарё вилоятида мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, корхоналар устав фондида давлат улушини қисқартириш, хусусий секторнинг иқтисодиётдаги ҳиссасини ошириш, корпоратив бошқарувни такомиллаштириш ва қимматли қоғозлар бозорини ривожлантиришга жиддий аҳамият берилаяпти.

Йилнинг ўтган даврида 25 та объект ва корхона давлат тасарруфидан чиқарилиб, 7 таси масъулияти чекланган жамият ва 18 таси мулкчиликнинг хусусий шаклига айлантирилди. Хусусийлаштиришнинг барча манбаларидан режадаги 697,1 миллион сўм ўрнига 708,2 миллион сўм маблағ туширилди.

Умуман 2005-2006 йилларда 139 та корхона ва иншоот хусусийлаштирилиши кўзда тутилган. Жумладан, 91 тасининг давлат улушлари кейинги икки йил ичида сотилиши, 12 таси инвестиция мажбуриятлари эвазига бепул берилиши ва стратегик аҳамиятдаги корхоналар давлат улушларининг 51 фоизи сақлаб қолинган ҳолда активлари сотилиши белгиланган. Амалга оширилган тадбирлар натижасида қарорга киритилган 29 та корхона ва объектнинг давлат улушлари сотилди.

Ҳукуматимизнинг "Паст рентабелли, зарар кўриб ишлаётган иқтисодий ночор давлат корхоналари ва объектларини хусусийлаштиришни жадаллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ фонд биржаси орқали 5 та акциядорлик жамиятининг номинал қиймати 88,7 миллион сўмлик акция пакетлари 114,5 миллион сўмга, кўчмас мулк биржаси савдоларига қўйилган 11 та корхона улуши ва объектлар 49,1 миллион сўмга сотилди.

(Давоми 2-бетда)

*Йиғим-терим ва касаба уюшмалари*

## ОЛТИН КУЗ СОВҒАЛАРИ

***Куз мавсумининг ҳар дақиқаси олтинга тенг. Чунки, йил бўйи пешона тери эвазига етиштирилган ҳосилнинг бир мисқолини ҳам қолдирмай йиғиб-териб олиш зарур. Бу ишга кенг оммани жалб этиш муҳим аҳамиятга эга. Шуни ҳисобга олиб республика Агросаноат мажмуи, Алоқа, Ёқилғи-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари, Енгил, мебел саноати ва коммунал маиший хизмат, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшма Марказий кенгашлари Сирдарё вилояти шаҳарларидаги маҳаллаларда истиқомат қилувчи аҳолини йиғим-теримга кенг жалб этиш ҳамда илғор теримчиларни рағбатлантириш, уларга барча шарт-шароитларни яратиб бериш ташаббуси билан чиқишганди.***

Бу хайрли ҳаракат Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши томонидан қизғин маъқулланиб, қарор қабул қилинди. Унга асосан Сирдарё вилоятининг Гулистон, Янгиер, Ширин ҳамда Бахт шаҳарлари аҳолисини муҳим ишга кенг жалб этиб, катта хирмонга ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Айни вақтда Ўзбекистон Енгил, мебел саноати ва коммунал маиший хизмат ходимлари касаба уюшмалари Марказий кенгаши Ширин шаҳри маҳаллаларида истиқомат қилувчи аҳолини йиғим-теримга жалб этиш ҳамда илғорларни муносиб рағбатлантириш борасида кўпгина хайрли ишларни амалга оширмоқда.

— Пахта йиғим-теримида ҳар куни минг нафарга яқин киши иштирок этмоқда, - дейди Марказий кенгашнинг бўлим мудири Шаҳодат Тўлаганова. - Улар Боёвут-3 хўжалиги ҳудудида пахта теришмоқда. Илғорлар ўз вақтида рағбатлантириляпти. Масалан, иккинчи 5 кунликнинг ўзида 75 нафар илғор теримчига 210 минг сўмлик совға топширилди. Тақдирлаш тадбирларини маҳалла оқсоқоллари билан келишилган ҳолда ўтказмоқдамиз.

— Тома-тома кўл бўлур, - деганларидек ҳашарчиларнинг иш унуми чакки бўлмаяпти. Масалан, шу ойнинг 10 октябрида 1090 нафар ҳашарчи 34 тоннага яқин хирмон уюшган бўлса, эртаси куни улар терган пахта 41 тоннадан ортиб кетди. Бу ишга айниқса, Ширин шаҳрининг Акмал Икромов, Шароф Рашидов номли маҳаллалар хотин-қизларидан тузилган гуруҳ аъзолари яхши ҳисса қўшишди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ҳашарчиларни оммавий тарзда теримга жалб этишда тарғибот ва ташвиқот ишлари жуда қўл келмоқда. Марказий кенгаш ходимлари маҳаллаларда бўлиб, аҳоли ўртасида кенг тушунтириш ишлари олиб боришди. Ёш болали аёлларнинг фарзандлари боғчаларга жойлаштирилди. Теримчилар учун дала-шийпонларида зарур шарт-шароитлар яратилди. Терилган пахта учун ўз вақтида ҳақ тўланиши қатъий назоратга олинган.

Шу кунгача Марказий кенгаш томонидан пахта йиғим-теримида ўрнак кўрсатиб меҳнат қилганларга 3 миллион сўмликка яқин совға-салом тарқатилди.

**Н.РАФИҚОВ,**
**"Ишонч" мухбири**





### ЁШЛИК ШИЖОАТИ

Жиззах шаҳридаги «Гулнора зардўз» тикувчилик-каштачилик фирмаси меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш шаҳар бўлимининг йўлланмаси билан саккиз нафар ёш қизни шогирдликка қабул қилди. Жорий йил давомида мазкур бўлим йўлланмаси билан 30 нафар йигит-қиз ишга жойлаштирилди.

Вояга етмаганлар ишлари бўйича вилоят комиссияси меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш шаҳар бўлими, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва маҳалла фаоллари билан ҳамкорликда вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларни иш билан таъминлаш борасида бир қатор ибратли ишларни амалга оширмоқда.

## ДЕҲҚОН МЕҲНАТИ ҚАДР ТОПДИ

***Кейинги йилларда ҳукуматимизнинг аграр соҳага эътиборни кучайтиргани туманимизда ҳам муҳим ўзгаришлар қилиш имконини берди. Агротехник тадбирлар ўтказилиб, ерлар минерал ва маъданли ўғитга тўйинтирилаётир. Самараси ҳам шунга яраша. Барча соҳаларда режалар ортиғи билан уддаланиб, ҳосилдорлик аввалгилардан икки ҳиссага ортаётир.***

Жорий йил пахтачилик учун анча қулай келди. Агротехника талабларига тўла риоя этилганлиги сабабли 29 минг тонналик улкан хирмон бунёд этилди. Ҳали далаларда ҳосил мўл, мавсум охиригача бу кўрсаткич янада ортиб бориши табиий. Ана шу хирмонларни яратиш ва меҳнатни ташкил қилишда туман агросаноат мажмуи касаба уюшмаларининг ҳам алоҳида ўрни бор. Ҳозирга келиб кенгаш таркибида 21 минг 95 нафар аъзо, 26 та бошланғич ташкилотлари, 41 та деҳқон-фермер хўжаликлари бирлашган.

Ишлаб чиқаришни жадаллаштириш ва уни рағбатлантириб бориш бўйича йил бошидан барча хўжаликлар касаба уюшмалари билан ҳамкорликда дастур тузиб олишди. Унинг ҳар бир банди ярим ой, бир ойда таҳлил қилиниб, илғор механизаторлар, сувчи ва оила пудратчилар пул мукофотлари, қимматбаҳо совғалар билан тақдирланишди.

Масалан, ғўза парвариши даврида «Андижон», А.Тиллабоев номли, Чўнгбоғич, Пойтуғ, Янгиқишлоқ, Истиқлол, Қўғай каби ширкатларда иш намунали ташкил этилган бўлса, йиғим-терим мавсумида «Ўзбекистон», Мустақиллик, Охунбобоев, Ш.Юсупов ҳамда Н.Жўраев номли ширкатларнинг аъзолари ишлаб чиқаришда ташаббускорлик кўрсатишди ва туманда пешқадам бўлишди.

Шунингдек, етиштирилган мўл ҳосилни сифатли ва қисқа фурсатларда сарангжомлаб олишда касаба уюшмалари томонидан ишлаб чиқилган «Беш кунлик», «Илғор теримчи», «Мусобақадошлар» каби тадбирларнинг уюштирилиши ҳам муҳим омил бўлди. Мавсумда фаол иштирок этиб 5-7 тонна пахта терган 18 нафар теримчи туман касаба уюшмаси томонидан гилам, рангли телевизор ва пул мукофотлари билан тақдирландилар.

Бозор шароитининг талаблари кўп. Улардан бири – қилинган меҳнатни муносиб баҳолашдир. Туманимизда қишлоқ хўжалиги соҳасида қандай ютуқларга эришилаётган бўлса, уларнинг барчаси замирида ишловчи меҳнати мужассамлашган. Ўтган ойларда иш ҳақидан узилишлар бўлишига йўл қўйилмади. Ишчининг ижтимоий-иқтисодий манфаатини ҳимоялаш ва иш шароитини яхшилашга эътибор кучайди. Кам даромадли оилалардан 100 нафарига тўрт миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. 100 нафарига эса касаба уюшма ҳисобидан «Чимён», «Чорточ», «Қосонсой» каби санаторийларга йўлланмалар тарқатилди.

Шулар қаторида ишчининг бўш вақти мазмунли ўтиши таъминланди. Мавжуд дала шийпонлари тўлиқ таъмирланиб, тушликда иссиқ овқат, чой ташкиллаштирилган. Ҳар куни иккита ширкат хўжалиги дала шийпонида концерт, қизиқчи ва адабиёт аҳли билан учрашувлар уюштирилаётир. Бундай тадбирлар ишчи кайфиятини кўтариб, меҳнат унумдорлигини оширмоқда. Шу боис, туманда режалар ортиғи билан уддаланган бўлса-да, аммо кундалик иш унуми сусайгани йўқ.

**Ж.ШАМСУТДИНОВ,**
**Агросаноат мажмуи ходимлари Избоскан туман касаба уюшмаси кенгаши раиси**

*Андижоннинг пахта карвони*

## ИШНИНГ ОҒИРИНИ ЕЛКАСИГА ОЛГАНЛАР

***Баҳорги дала ишлари бошланиши арафасида бўлиб ўтган фаоллар йиғилишида чигит экишни Наврўз байрами кунларида бошлаш, плёнкани эса ғўза шонага кириши биланоқ олиш маъқул, деган фикр айтилди. Мана шундай хулосани эшитиш учун йиллар керак бўлган эди. Агросаноат мажмуида янги технологияни жорий этиш ва барча тармоқлардан мўл-кўл маҳсулот етиштириш имконини мустақиллик туфайли деҳқон қўлга киритди.***

Плёнкада чигит ундириш, унга агротехник талаблар асосида ишлов беришнинг ўзи бўлмайди. Замирида меҳнат, илғор тажриба ва ернинг ҳадисини олиш мужассам. Аммо андижонлик деҳқонларнинг бир яхши одати бор: бир ишни бошладими, албатта у қандай самара беришидан қатъий назар натижасини кутади, сабр қилади.

Пахтачилигимизда плёнка остига экиш тажрибаси қўлланилган дастлабки кезларда кўпчилик уни ўзига сингдиролмагани ҳам бор гап. Бироқ орадан кўп вақт ўтмади. Плёнкада парвариш қилинган туманларда ҳосилдорлик аввалги мавсумлардагидан 15-20 фоизга кўп тош босди, ишчи кучи тежалиб, харажатлар ҳам шунга лойиқ бўлди. Асака, Олтинкўл ва Балиқчи каби туманларнинг соҳадан йиллик даромади ўша йиллари бир неча бараварга ортди. Мана, бир неча йилдирки, вилоят юз фоиз ана шу технология асосида деҳқончилик қилиб, кам бўлмаяпти.

Юртбошимиз вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида пахтачилик соҳасида айрим камчиликларга тўхталиб, Андижоннинг минг-минглаб заҳматкаш, мард ва танти инсонлари бу соҳада вилоятнинг ўз ўрнини топиш йўлида фидойилик кўрсатишларига катта ишонч билдирган эди.

Маълумки, деҳқончилик маданиятининг юксалиши туфайли маҳсулот сифатини, даромадни кўпайтириш ва шу орқали қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш учун мустаҳкам молиявий манба барпо этиш мумкин. Шу боис пахтачиликда ўзини оқлаган агротехникани қўллаш, бевосита моддий бойлик яратувчи инсонлар меҳнатини қадрлаш ва тўғри баҳолаш вилоят мутасаддиларнинг асосий мақсадига айланди.

Эрта баҳорда 108 минг 398 гектар ерга ғўзанинг бир қатор истиқболли навларини қадаган миришкорлар ҳар бир кўчат тақдирига эътиборни кучайтирди. Ғўза парвариши даврида барча ресурслар ўз вақтида етказиб берилди. Айниқса, зараркунандаларга қарши курашда муҳим аҳамият касб этувчи биолабораторияларнинг қуввати бир неча ҳиссага орттирилди. Сув таъминотида узилишларга йўл қўйилмагани, техника кучидан самарали фойдаланилгани сабабли далаларда сифатли ва мўл ҳосил яратилди. Сирасини айтганда, 310 минг тонналик пахта хирмонини яратиш билан боғлиқ вазифалар ижросини таъминлаш бўйича барча бирдек ёндошди.

Шартнома режаларини водийда биринчилардан бўлиб уддалаган Олтинкўл тумани миришкорлари ҳосилдорликни 33,4 центнерга, шаҳрихонликлар 32,6 центнерга, избосканликлар 33,5 центнерга етказишди. Аммо ҳали далаларда ҳосил чўғи баланд.

Вилоятда пахтачиликни ривожлантиришда оила пудрати муҳим ўрин тутмоқда. Избосканлик Раҳимжон Ҳакимов, шаҳрихонлик Сойибжон Ғаниев, олтинкўллик Алишер Халилов, жалақудуқлик Иброҳимжон Зулфиқоров, булоқбошилик Остонали Қурбонов, қўрғонтепалик Камолиддин Йўлчиев, улуғнорлик Машрабжон Қодиров, балиқчилик Аҳмадали Худойбердиев, Андижон туманидан Турғунбой Азизов каби бош пудратчилар ҳосилдорликни 50-55 центнерданга, режага нисбатан биринчи нав салмоғини 125-135 фоизга уддалашди.

Мулкчиликнинг янги шакли – фермерлик ҳаракати вилоятда кенг таркиб топаётир. Ҳозирга келиб 3271 та фермер хўжалиги пахта етиштирмоқда. Улар жорий йилда вилоят хирмонининг 23 фоизи миқдорида ҳосил тайёрладилар. Яратилаётган имкониятлардан фойдаланиб, ерга ишловни тобора яхшилаётган, ғўза парваришини намунали ташкил этган фермерлар шартнома режаларини биринчи теримдаёқ бажарганликлари ҳар биримизга бу ҳаракатнинг истиқболига умид бағишлайди.

Мавсум бошидан буён қилинган самарали меҳнат натижаси йиғим-терим палласида ўз аксини топмоқда. Шу кунгача йиғиштириб олинган пахтанинг асосий қисми, яъни 85 фоизи биринчи навларга сотилди. Агар бу ўтган йил даромади билан таққосланадиган бўлса, 35,5 миллиард сўм атрофида дейиш мумкин.

Агросаноат мажмуидан олинаётган даромадларнинг муайян қисми қишлоқ инфратузилмаси билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишга йўналтирилмоқда. Масалан, шу йилнинг ўтган ойларида қишлоқларда 85,2 километр табиий газ ва 31,8 километр ичимлик суви тармоқлари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Иккита коллеж қурилиб, саккизтаси мукаммал реконструкция қилинди. 24 та замонавий қишлоқ врачлик пунктлари қуриб, битказилди. Барча мактабларни жорий таъмирлаш ва янгиларини қуриб битказиш ишлари ҳам жадаллаштирилаётир.

Инсонга наф келтириш касаба уюшмаларининг бош мақсади. Вилоят ва туманлардаги мутасаддилар билан ҳамкорликда бу борада режали иш тутиб келинмоқда. Хусусан, иш ўринларини ва ишловчи иш ҳақини имкониятларимиздан келиб чиқиб кенгайтиришга эътибор берилаётир. Ўн ой мобайнида қишлоқ жойларида минглаб янги ишчи ўринлари барпо этилди. Айниқса бунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг қўшаётган ҳиссаси муҳим ўрин тутмоқда.

Ташкилотчиликка кўп нарса боғлиқ, деганлари бежиз эмас. Вилоятда улкан хирмоннинг бунёд этилишида касаба уюшмалари аъзоларининг тутган ўрни бўлакча. Ҳар соҳада улар самарали меҳнати билан намуна бўлишди. Избоскан, Балиқчи, Олтинкўл, Улуғнор, Андижон, Шаҳрихон каби туманларнинг агросаноат мажмуи касаба уюшма кенгашлари мутасаддилари мавсумда иш маромини таъминлашда ўрнак кўрсатишди. Яна бир нарса, йиғим-терим мавсумида касаба уюшмалари томонидан илғорларни рағбатлантириб бориш анъанаси бў йил ҳам яхши самара берди. «Йилнинг энг илғори», «Йил фидойиси» номенацияси бўйича сарҳисоб кейинроқ бўлади.

Умуман, қишлоқ хўжалигида янгиланиш жараёни бошланиб, уни қўллаб-қувватловчилар сафи тобора кенгайиб бораётгани эртанги кунга бўлган ишончни мустаҳкамламоқда. Жорий йил деҳқончилигини барча тармоқда кўнгилдагидек якунлаш, далаларни ҳосилдан тозалаб, келгуси мавсумга тайёрлаш, бошоқли экинлар экишни тезроқ ниҳоясига етказиш ва текис кўчат ундириш деҳқонларимиз олдида турган муҳим вазифалардан бири.

Айни пайтда соҳада юз берган силжиш келгуси деҳқончилик йилида ютуқларни янада кўпайтиришга, агросаноат мажмуининг молиявий ҳолатини кенгайтиришга, аҳолининг турмуш фаровонлигини оширишга, ишчи ўринларини кенгайтиришга ва юртимиз ободлигига хизмат қилиши шубҳасиздир.

**Қ.ПАРПИЕВ,**
**Андижон вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси раиси**



*Ўзбекистон Республикаси Олий судида*

## КЎНГИЛ НОТОЗА БЎЛСА...

***Ўзбекистон Республикаси Олий судида 12-13 май кунлари Андижон шаҳрида содир этилган террорчилик ҳаракатлари ва бошқа ўта оғир жиноятларни содир этганликда айбланаётган 15 нафар судланувчига оид жиноий иш бўйича суд жараёни давом этмоқда.***

Суднинг холис, очиқ ва ошкора, қонун талабларига қатъий амал қилган ҳолда ўтаётгани Андижон воқеаларига доир бўҳтону иғволар тарқатган айрим хорижий оммавий ахборот воситаларининг, ўзларини «ҳуқуқ ҳимоячилари» деб атайдиган баъзи «жонкуярлар»нинг «Тошкентдаги суд жараёни - ҳукумат томонидан уюштирилган, олдиндан саҳналаштирилган томоша», қабилидаги навбатдаги даъволарини ҳам чиппакка чиқарди.

Аксарият кўрсатма берганлар фожиа содир этилган кунлари баъзи хорижий оммавий ахборот воситалари томонидан Андижон воқеалари нохолис талқин этилиб, бирёқлама баҳоланганини айтдилар. Ўша оммавий ахборот воситалари вакиллари «тинч намойиш» қатнашчилари дея таърифлаган кимсалар яхши қуролланганлари, аввалдан тегишли тайёргарликдан ўтгани, ҳарбий қисмларга ҳужум қилгани, ашаддий жиноятчиларни қамоқхонадан озодликка чиқариб юборгани, оғир оқибатларга олиб келган бошқа қатор хунрезликларни содир этгани судда ўзининг тўла исботини топаётир.

Суднинг ўтган жума кунги мажлисида сўзлаган бир неча гувоҳ, жумладан, Андижон воқеаларидаги фаол иштироки учун қамоққа олинган Одилжон Усмонов ўз кўрсатмаларида одамларнинг гаровга олишни, бегуноҳ инсонлар, ҳарбий хизматчилар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари жонига қасд қилишни «тинч намойиш» деб аташ бирёқламалик, уйдирма ва воқеликни атайлаб бузиб талқин этиш эканини таъкидлади. Андижон туманида истиқомат қилувчи Маҳбуба Зокирова эса рўй берган фожиалар бошида турган кимсаларнинг жиноий қилмишларини хаспўшлаб, уларни «қўй оғзидан чўп олмаган» беозор одамлар сифатида кўрсатиб, судни чалғитишга уринди.

Гувоҳ М.Зокированинг сўзларини нотўғри дейиш учун асослар бор, албатта. Ундан олдин гувоҳлик берган О.Усмонов 13 май воқеаларига тўхталиб: «Тонгга яқин тепа маҳаллалардан 10-15 аёл тушди. Улар биродарларимизнинг қариндошлари эди. Улар учун йўлда иккита машинани тўсиб, аёлларни ҳокимият олдига олиб бордик. Бу ерда, Бобур ҳайкали олдида аёллар тўпланиб турган экан. Ҳокимият биноси олдида қуролланган, менга таниш ва нотаниш бўлган 300-350 одам юрган экан», деди.

«Акромийлар» оқими аъзоси сифатида шу йил май ойида ўз шериклари устидан ўтказилган суд жараёни, шунингдек, Андижон воқеаларини саккиз кун давомида видеотасвирга туширган О.Усмоновнинг ушбу иқрори судланувчилар, юздан ортиқ жабрланувчи, гувоҳ ва даъвогарларнинг бу борадаги кўрсатмаларига мос келади.

М.Зокирова эса, аксинча, бир ўринда майдонда «қуролланган бир-иккита одам бор эди, уларни қоровул деб ўйладим», деган бўлса, кейинчалик: «қуролланганлар йўқ ҳисобида эди, аксарияти қуролланмаган болалар, эркаклар эди», «ўша қуролланган одамларда (!) қуроли борми-йўқми, билмадим, балки бўлгандир», қабилида мужмал кўрсатмалар берди.

Боз устига, кутилмаганда, гувоҳ: «Тешиктошга етганимизда, ҳеч кимда қурол йўқ эди», «Қирғизистон солдатлари бизни текширишди, ҳеч кимда қурол чиқмади», деб айни шу ҳолатга қайта-қайта урғу бера бошлади. Аслида эса лагерга жойлашган одамлар қўшни давлат ҳудудига ўтгач, Қирғизистон томони чегарачиларимизга «қочқин»лардан олинган 73 та автоматни қайтариб бергани аниқ факт.

(Давоми 3-бетда)

# ХУСУСИЙ СЕКТОР
## улушини ошираётган омил

(Боши 1-бетда)

Вазирлар Маҳкамасининг "Давлат мулки айрим объектларини инвестиция мажбуриятлари эвазига бепул беришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига кўра 29 та корхона мол-мулклари инвесторларга бепул берилиши белгиланган. Ўтган даврда 8 та иншоот ва корхона активлари 1 миллиард 101,5 миллион сўмлик қўшимча инвестиция киритиш шарти билан 92,2 миллион сўмга сотилди. Ўтказилган тендер танловларида вилоят бўйича 21 та корхона ва объект 13 миллиард 506,8 миллион сўмлик инвестиция мажбуриятлари эвазига инвесторларга бепул берилди. Режадаги 1 миллиард 149,4 миллион сўмлик ўрнига 1 миллиард 378,3 миллион сўмлик инвестициялар жалб қилинди.

Инвестициялар киритилиши ва янги ишлаб чиқариш турларининг йўлга қўйилиши оқибатида қўшимча иш ўринлари юзага келаяпти. "Янги турдаги темир-бетон технологияси" масъулияти чекланган жамияти томонидан "1-темир-бетон буюмлари" корхонасида ишлаб чиқаришни ривожлантиришга 180,3 миллион сўмлик инвестициялар жалб қилиниши туфайли қувватлардан фойдаланиш даражаси ошди. Германиянинг "Безридней" фирмаси томонидан 63,8 миллион сўмлик инвестиция қўлланиб, пиёз қуритиш линияси ишга туширилди ва 50 дан ортиқ қўшимча иш ўринлари яратилди.

"Аср-ф" ёпиқ акциядорлик жамияти "Қашқадарёсувқурилиш" корхонасига қарашли "Яккабоғ" механизациялашган кўчма жамланмасига 142,5 миллион сўмлик инвестиция киритилиб, бўш турган бинолар негизида ип-йигирув фабрикасига асос солинди. "Чилонзор парранда" қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхонаси "Ёғочга ишлов бериш" ташкилотига 195,3 миллион сўмлик инвестиция жалб этиб, ишлаб чиқариш фаолиятини қайта йўлга қўйди.

Аммо шартномада белгиланган тадбирларни вақтида бажармаслик ҳолатлари ҳам учрамоқда. Шунинг учун "Чевар" кичик корхонаси, "Қаршисаноатуйжойқурилиши" акциядорлик ва "Яккабоғ кино-видео" масъулияти чекланган жамиятлари билан тузилган шартномалар бекор қилиниб, янги инвесторларга инвестиция мажбуриятлари эвазига бепул берилди.

Вилоят бўйича 123 та акциядорлик жамиятлари бор. Улар томонидан чиқарилган акциялар миқдори 16012,9 миллион сўмни ташкил этади. Воҳада 47 та хорижий сармоялар иштирокида тузилган қўшма корхоналар мавжуд. Уларда 5 мингга яқин киши меҳнат қилаяпти. "Оқсарой тўқимачи ЛТД" қўшма корхонаси 1486,2 минг, "Косонёғэкстракция" жамоаси 456,4 минг, "Қаршиёғэкстракция" корхонаси 187,6 минг, "Яккабоғтекс" қўшма корхонаси 139,1 минг АҚШ доллари миқдорида маҳсулот ишлаб чиқариб, четга экспорт қилди.

Вақтида хорижий сармоялар эвазига иш бошлаган, бироқ бугунги кунда ўз фаолиятини юрита олмай тўхтаб қолган корхоналар борлиги ҳам ҳақиқатдан йироқ эмас. "Черемушки", "Машъал-Д", "Узиталмед", "Кеш-УФАинвест", "Эрмис", "Робита А" каби 7 та корхоналарда низом жамғармаси шаклланмаганлиги, айланма маблағ етишмаслиги ва хорижий ҳамкорлар билан алоқалар узилганлиги туфайли иш тўхтаб қолган.

Вазирлар Маҳкамасининг "2005-2007 йилларида фермер хўжаликларини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори асосида 34 та зарар кўриб ишлайдиган, паст рентабелли ва истиқболсиз ширкатлар негизида 3050 та фермер хўжаликлари ташкил этилди. Айни пайтда вилоятда 17 мингга яқин фермер хўжаликлари фаолият юритмоқда. Фермерларга 485,3 минг гектар ер ажратилган бўлиб, 68249 киши меҳнат қилаяпти. Ишлаб чиқарилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 34 фоизи уларнинг улушига тўғри келади. Воҳа далаларидан саранжомлаб олинган пахтанинг 70 фоизи, доннинг 73 фоизи фермер хўжаликларида етиштирилаяпти.

Нишон туманидаги "Хўжаёр ота", Косон туманидаги "Эшқулобод", "Тўлга", Миришкор туманидаги "Н.Илёсова" сингари фермер хўжаликларида ҳар йили 45-50 миллион сўм соф фойда олиниб, ишчиларнинг реал даромадлари ошиб бораяпти.

Аҳоли турмуш даражасини кўтаришни назарда тутган ҳолда меҳнат бозоридаги иш ўринларига эҳтиёжни инобатга олиб 2005-2006 йилларда юридик мақомга эга деҳқон хўжаликлари тармоғини кўпайтириш ҳисобига ишсиз аҳолини, айниқса, норасмий тарзда меҳнат фаолиятини амалга ошираётган ёшлар ҳамда хотин-қизларни иш билан таъминлаш, кам даромадли оилалар иқтисодий аҳволини яхшилаш, уларнинг келажакда ижтимоий имтиёзлардан фойдаланиш ҳуқуқларини рўёбга чиқариш мақсадида махсус дастур ишлаб чиқилган.

Вилоят бўйича жорий йилда 27 минг, 2006 йилда 33 минг, икки йилда 60 мингта юридик мақомга эга деҳқон хўжаликлари ташкил этиш ва бунинг натижасида 105 минг кишини ишга жалб қилиш белгиланган. Ҳозирги пайтда 438012 деҳқон хўжаликлари тузилган бўлиб, улардан қарийб 20 мингтаси юридик мақомга эга. Деҳқон хўжаликларига 76380 гектар ер ажратиб берилган.

— Юртбошимизнинг "Ўзбекистон иқтисодиётида хусусий секторнинг улуши ва аҳамиятини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида 348 та акциядорлик жамиятлари қайтадан ташкил этилди, - дейди биз билан суҳбатда Давлат мулки қўмитасининг Қашқадарё вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи Исмат Нусуров. — Одамларда мулкка эгалик ҳиссини шакллантириш, тадбиркорликни ривожлантириш соҳасида бир мунча ишлар қилинди. Аҳоли бандлигини ошириш мақсадида иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармасидан 603,6 миллион сўм маблағ ажратилиб, кам таъминланган оилаларга кредит берилди.

Мулкка эгалик маҳсулот етиштиришни камайтириб юбориш ёки йўналишни ўзгартириш ҳуқуқини бермайди. Хусусийлаштиришдан мақсад акциядорларнинг манфаатдорлигини оширишдан иборат. Аммо вилоятдаги "Китоб ип-йигирув" фабрикаси йилни 166,5 миллион, "Насафтранс" 7,1 миллион, "Қашқадарёулгуржисавдо" 2 миллион сўм зарар билан якунлаган. 34 та акциядорлик жамиятидан олинган соф фойда миқдори камайиб кетган. Шунга қарамасдан юқорида номи тилга олинган ташкилотлар бошқарув раислар билан тузилган ишга ёллаш бўйича меҳнат шартномалари муддати узайтирилган.

Ишда ўзгариш ясамаган "Қашқадарё вилоят моддий-техника таъминоти", "Шаҳрисабзвиноароқ", Ғузор туманидаги "Машина-трактор парки", "Қишлоқхўжаликкимё", "Қашқадарёгўштсутсавдо", "Китоб-76", "Шаҳрисабз консерва", "Қашқадарётехнологиктранспорт", Қарши шаҳридаги 12-автокорхона, Чироқчи тумани машина-трактор парки каби 12 та очиқ акциядорлик жамиятларининг раислари билан тузилган меҳнат шартномалари бекор қилинди.

Корхоналар фаолиятини бозор иқтисодиёти шарт-шароитлартига мослаштириш, ички имкониятлар ҳисобидан соғломлаштириш чора-тадбирларини кўриш замон талаби. Бунга риоя қилинган жойда самара ҳам ўзини узоқ куттириб қўймайди.

**И.ҲИКМАТОВ,**
**«Ишонч» мухбири**





Самарқанд туманидаги консерва маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган "Саз-Тиб" хусусий фирмаси мана саккиз йилдирки, вилоят аҳолисини сифатли консерва маҳсулотлари билан таъминлаб келмоқда.

— Корхонамизнинг 120 гектар ер майдони бўлиб, етиштирилган ҳосил шу ернинг ўзида тайёр маҳсулотга айлантирилади. Бу эса бизнинг ишимизга жуда катта қулайлик яратмоқда, - дейди фирма раҳбари хусусий тадбиркор Саттор Зокиров.

Ҳозирги кунда бу ерда 10 турдаги турли консерва ва тузламалар тайёрланмоқда. Шунингдек, корхона ишчиларининг асосий мақсади сифатли маҳсулот ишлаб чиқариб, элга манзур бўлишдан иборат.

**Суратларда: ишчи Нафиса Воҳобова; илғор ишчилар Мадина Воҳобова, Хосият Раҳмонова ва Хусния Ҳалимовалар.**

**Т.НОРҚУЛОВ**
**(ЎзА) олган суратлар**

# СИФАТИГА ГАП ЙЎҚ

Арнасой туманида саховатли тадбиркорлар кўплаб топилади. Шулардан бири тадбиркор фермер Абдусалом Холиқовдир. У бундан 7 йил бурун «Олтин водий» агрохизмат маркази ҳудудидан 60 гектар ер олиб, «Фориш» фермер хўжалигини ташкил этди. Айни чоғда қишлоқ мулкдори ушбу майдонларга пахта ва ғалла экинлари экиб, мўл ҳосил етиштириб келаётир. Шунингдек, у 11 гектар боғ барпо этган. Унда узум, анор, олма каби сархил мевалар етиштирилмоқда. Йиллик соф фойда 10 миллион сўмни ташкил этаяпти. Даромаднинг асосий қисми ишчилар моддий фаровонлигига, хайр-саховат ишларига сарфланмоқда. 17 нафар ишчининг моддий аҳволи йил сайин яхшиланиб бораётир. Улар учун дала бошида икки қаватли мўъжазгина дала шийпони қурилиб, ишга туширилди. Икки нафар ёшнинг никоҳ тўйларини фермернинг ўзи бош бўлиб, ўтказиб берди. 2 та оилага уй қуриб берди. Кам таъминланган оилаларнинг 3 тасига 250 килограммдан буғдой улашди.

Саховатли фермер болажон инсон. У қишлоғидаги «Чарос» мактабгача таълим муассасасини ўз оталиғига олган. Ҳар йили боғча биносини таъмирлаш учун 100 минг сўм ўтказиб бермоқда. Фермер хўжалигига қарашли боғда етиштирилган узум, олма, анор маҳсулотларини болаларга бепул етказиб турибди.

Бундан ташқари, бу ерда ёрдамчи хўжалик ҳам ташкил этилган. Унда ўндан зиёд қорамол боқиляпти.

**Б.НОРҚУЛОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

# ИЛҒОР ТАЖРИБА
## кўпчилик мулки

Яқинда Сирғали туманидаги «Звено» масъулияти чекланган жамиятда меҳнат хавфсизлиги бўйича семинар бўлиб ўтди. Унда ишчиларга техника хавфсизлиги бўйича қатор талабларнинг бажарилиши, махсус кийим ва бошқа индивидуал ҳимоя ва гигиена воситаларидан қандай фойдаланишлари тўғрисида гап борди. Улар техника хавфсизлиги ва санитария йўриқномалари билан таништирилди. Семинарда ходимлар ўзларини қизиқтирган саволларга тўлиқ жавоб олдилар. Ушбу тадбирда туман кичик бизнес, матлубот кооперацияси, савдо ходимлари ва хусусий тадбиркорлар касаба уюшма вакиллиги ходимлари иштирок этишди.

**Ш.ШАМШИЕВА**

Мирзачўл туман халқ таълими бўлимига қарашли Абай номли 2-ўрта умумтаълим мактаби энг илғор жамоалардан бири саналади. Қозоқ тилига ихтисослашган мазкур билим масканида 1070 ўқувчи-ёшларга 60 нафар малакали ўқитувчи таълим-тарбия бермоқда.

## ОНА ЗАМИНГА МУҲАББАТ

Касаба уюшма аъзоси Роза Лаханова шу мактабда 20 йилдан ортиқроқ вақтдан бери ишлаб келади. У мактабнинг география фани методик бирлашмаси раҳбари сифатида бир қатор ибратли ишларни амалга оширмоқда.

Яқинда мактабда география фани бўйича амалий-услубий семинар бўлиб ўтди. Унга тумандаги барча мактаблардан ўқитувчилар таклиф этилди. Меҳмонлар тажрибали ўқитувчи Р.Лаханаванинг 8б-синф ўқувчилари билан ўтказган «Ўзбекистон – Ватаним маним!» мавзусидаги очиқ дарсида қатнашдилар.

Ҳозир бўлганлар ўқувчиларнинг география фанидан олган билимларини янада чуқурлаштириш, уларда она Ватанга бўлган чексиз муҳаббат, табиатни, унинг бойликларини авайлаб асраш сингари муҳим ғояларни ёшлар онгига сингдириш борасида ҳамкасблари маҳоратини кузатишди.

Шу куни семинар қатнашчилари мактабнинг 7а, 3-синфларида тажрибали ўқитувчилар М.Ералиева, Б.Кабенова, У.Жеримбетоваларнинг «Тарбиявий соат», «Табиатшунослик» фанлари бўйича ўтказган очиқ дарсларида ҳам иштирок этишиб, бой тажрибалардан баҳраманд бўлишди.

**А.МАННОПОВ**

## ЯНА БИР ҚЎШМА КОРХОНА

Чироқчи туманида пахта толасидан ип-калава ҳамда тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Чироқчитекс» Ўзбекистон-Туркия қўшма корхонаси иш бошлади. У хорижий ҳамкорлар билан ташкил этилган тумандаги иккинчи қўшма корхона ҳисобланади.

Низом жамғармаси 600 минг АҚШ долларига тенг бўлган мазкур корхонани Ўзбекистон томонидан тумандаги «Улуғ» масъулияти чекланган жамияти ва Туркиянинг «Китсан-санай» фирмаси таъсис этди.

Вилоят ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо бошқармасидан олинган маълумотга кўра, пахта хомашёсидан тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйган қўшма корхоналар сони вилоятда ўнтага етди.

Вилоятда фаолият кўрсатаётган 47 қўшма корхона томонидан шу йилнинг ўтган 9 ойида 28,4 миллиард сўмлик халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилган бўлса, шундан қарийб 7 миллиард сўмлиги тўқимачилик қўшма корхоналари ҳиссасига тўғри келмоқда.

*Орзулар ушалганда*

# ЎЗ УЙИНГ БЎЛГАНИГА НИМА ЕТСИН

***Президентимизнинг «Аҳолининг шахсий уй-жой қуриши учун ер-участкалари ажратиб бериш тўғрисида»ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида жойларда муайян ишлар амалга оширилмоқда.***

Биргина Арнасой туманида шахсий уй-жой қурилиши учун жами 147 гектар ер майдони ажратилди. Ўтган йиллар мобайнида 616 нафар фуқарога аризаларига биноан ер-участкалари берилди. Шундан 249 фуқаро уй-жойларини тўлиқ қуриб, оилалари билан умргузаронлик қилиб келмоқдалар. Туман маркази Ғолиблар қўрғонида яшовчи аҳолидан биргина жорий йилнинг ўтган ойларда 22 фуқародан ариза тушди. Уларга 1,84 гектар ер майдони ажратиб берилди.

– Ўзбек халқи болажон халқ. Етти жонмиз. Устига - устак бир ҳовлида 3 та оила яшардик, – дейди Ғолиблар қўрғони А.Темур номли кўчада истиқомат қилувчи меҳнат фахрийси Марат Қозоқов. - Юртбошимиз Фармони эълон қилингандан сўнг шахсий уй-жой қуриш учун ер участкалари берила бошланди. 2 нафар ўғлимга 8 сотихдан ер-участкаси олиб, уй қуриб бердим.

«Олтин водий» агрохизмат маркази ҳудудида истиқомат қилувчи Абдулла Топқиевнинг беш нафар ўғли бор. У ҳам 3 та участка олишга муваффақ бўлди.

Фармонга кўра қишлоқ жойларида шахсий уй-жой қуриш учун 25, шаҳарда эса 8 сотихдан ер майдонлари ажратилиши кўзда тутилган. Йилдан-йилга шахсий уй-жой қурувчилар сони кўпайиб бормоқда. Янги турар-жой қўрғонларига табиий газ, ичимлик суви, электр энергияси олиб келиш яхши йўлга қўйилган. Масалан, С.Раҳимов номли кўчага 1,3 километр масофадан табиий газ тортиб келтирилди.

Ҳа, нима бўлганда ҳам ўз уйинг бўлганига нима етсин.

**Ю.ХУДОЙҚУЛОВ,**
**Арнасой тумани бош меъмори**

*«Эл-юрт ҳурмати» ордени соҳиблари*

# ЧЎЛ ДАРҒАСИ

***Абдуҳоди ака мақтанишни хуш кўрмайди. Бор гапни бўй-басти билан дангал айтишга одатланган. Тўғри сўз ва ҳалолликни ёқтиради. Уни Сардоба туманида танимаган одам йўқ. «Фарғона» фермер хўжалиги деса «Э, ха, анави Абдуманноповми» дейишади. Бу бежиз эмас, албатта. Ҳалол меҳнат уни элга танитди, обрў-эътиборли қилди.***

Қуванинг Каттақишлоғида туғилиб ўсган Абдуҳоди бундан чорак аср муқаддам оиласи билан Мирзачўлга кўчиб келди. Вақтинчалик, уй топилгунча дала шийпонига жойлашди. Чўл шароитига кўникиш осон кечмади.

Пахтачилик сир-асрорларини қунт билан ўрганган йигит кўп ўтмай бригада сардори бўлди. Мустақиллик йилларида фермерлик ҳаракатига қўшилган А.Абдуманнопов 96,5 га ер олди. Ҳар йили пахта ва ғалла экиб, мўл ҳосил олиб келмоқда. Биргина ўтган йили 60 миллион сўм даромад олди. Шундан 40 миллион сўми соф фойда эди. Олинган даромад аввало жамоада меҳнат қилаётган ишчи-хизматчиларнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволини яхшилашга сарфланган бўлса, яна бир қисми инфратузилмани ривожлантиришга йўналтирилди. Тумандаги 14,12,21,6-мактабларнинг аълочи ўқувчиларига махсус стипендия жорий этиб, ҳар ойда пул ўтказади. Болалар спорт мажмуасида шуғулланувчиларга кийим-бош учун маблағ ажратди. Қишлоққа элтадиган йўл асфальтланмоқда. 10 нафар ишчининг ҳар бирига 2 тоннадан буғдой тарқатилди, 4 тонна буғдойни кам таъминланган оилаларга бўлиб берди. Ғўза чопиғида қатнашганларга буғдой қўшимча ҳақ сифатида берилди.

– Пахтачиликда бу йил янада баракали келди, – дейди А.Абдуманнопов, – 170 тонналик шартномавий режани ортиғи билан бажардик. Ҳосилнинг барчаси биринчи навга сотилди. Муваффақиятларимизнинг асосий омили – ирригация тизимининг яхши ишлаши, минерал ўғит, ёқилғи-мойлаш материаллари таъминотида узилиш бўлмагани ва энг муҳими, меҳнатидан манфаатдор бўлган жамоамиз аҳиллигидан деб биламан.

Шу ўринда у киши яна бир мулоҳаза билдирди:

– Бу йил хўжалигимиз ғалла ўрим-йиғимида туман МТП хизматидан тўла воз кечди. Сабаби – улар кўрсатадиган хизмат нархи гектарига 52 минг сўмни ташкил этди. Хусусий комбайн эса гектарига 33 минг сўмдан ўриб беришга рози бўлди. Бу билан 665 минг сўм маблағни тежашга эришдик. Бундан саккиз йил аввал «ТТЗ-80-10» маркали тракторни лизинг йўли билан сотиб олдик. Ҳозирга келиб қарз тўлиқ узилди. Бундан буён бу трактор билан қўшни фермер хўжаликларида шартнома асосида ишлашимиз мумкин.

«Фарғона» фермер хўжалигида илғорлар ҳақида гап кетганда, одамлар механизаторлар Ҳошим Қўзибоев, Шавкат Мамажонов, ишчилар Б.Ашуров, Р.Мусурмонов, Ш.Сиддиқовлар номини фахр билан тилга олишади.

Жамоада касаба уюшма ташкилоти тузилиб, унга Умарали Шералиев раҳбарлик қилаяпти. Ходимларни ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ҳимоялашда бу ташкилотларнинг ўрни катта.

Ҳалол ва баракали меҳнат фермер А.Абдуманноповга обрў-эътибор келтирмоқда. Унинг кўксини «Эл-юрт ҳурмати» ордени безаб турибди. Ҳа, айтгандек, унинг оила аъзолари ҳозирги кунда қад ростлаган шинам ва бежирим қурилган уйда яшашмоқда.

**А.АЗИМОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

*«Ишонч»га жавоб берадилар*

# МУДИР ВАЗИФАСИДАН ОЗОД ЭТИЛДИ

***Газетанинг шу йил 27 сентябр сонида «Бир мактабдаги қонунбузилишлар» сарлавҳа остида мақола чоп этилган эди. Унда Денов туман Сино қишлоғидаги 60-мактабда йўл қўйилган бир қатор камчиликлар тилга олинганди.***

***Яқинда ушбу танқид юзасидан жавоб хати олдик. Жумладан, унда шундай дейилади.***

60-умумий ўрта таълим мактаби биносини таъмирлашга Денов туман халқ таълими бўлими томонидан қурилиш материалларини олиш учун 25- шартномага асосан «Денов КСЖ-МЧЖ» ташкилотига 2004 йил 15 мартда 2 миллион сўм пул ўтказилган.

Мактаб ҳисобчиси Э.Рўзиевнинг кўрсатма беришича, юқоридаги ташкилотга келган қурилиш материали кирим қилинмаганлиги ҳамда нархи аниқланмаганлиги сабабли полга тўшаладиган 571,43 квадрат метр линолиум 2004 йил 16 август куни 13-ишончнома ва 82-ҳисоб фактурасига асосан кечикиб келган. Олинган линолиум ҳозирги кунда мактабнинг биринчи ва иккинчи қаватидаги каридорларга тўшалган.

Қурилиш материалини олишда 2 миллион сўмлик кредит қарзини юзага келтиргани учун мактаб ҳисобчиси Э.Рўзиевга нисбатан ҳайфсан эълон қилинди.

Мактаб директорининг ўқув-тарбиявий ишлари бўйича ўринбосари Ҳ.Убайдуллоевнинг айби билан ўқитувчи С.Шодмонов 2004 йил март, апрел, май ойлари учун 2154 сўм нафақа пулини ололмаган. Маблағ айбдордан ундириб олиниб, нафақахўрга қайтарилди. Денов тумани халқ таълими бўлимининг мудири М.Сапиев 60-мактаб хусусида ёзилган шикоят аризаларни ижобий ҳал этишда ўз вазифасига совуққонлик билан қараганлиги сабабли вилоят халқ таълими бошқармасининг 2005 йил 6 июндаги буйруғи билан вазифасидан озод этилган.

Мазкур мактаб директори ва унинг ўринбосарларига интизомий чора қўлланилди.

Денов туман халқ таълими бўлими мудири Х.Сувоновга ушбу мактабда кадрлар масаласига эътиборини қаратиш ва бошқа камчиликларни бартараф этишнинг барча чораларини кўриш вазифаси юклатилди.

**А.ЭРГАШЕВ,**
**Сурхондарё вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи**

*Ҳақ-ҳуқуқимизни билайлик, уни ҳимоя қила олайлик*

# ФЕРМЕРНИ РАНЖИТГАН ШЕРИК

***Деҳқончилик тамойилида фурсатнинг қадри бекиёс. Бой берилган кун, дақиқалар муайян муаммоларга доядир. Ахир, экин кун санайди, дея беҳуда айтишмайди. Бироқ буни айрим хизмат кўрсатувчи ташкилотлар тушуниб етмаётгани кишини таажжубга солади.***

Тасаввур қилинг, ҳосил тарозуга тушиш маҳали келганда саранжомлаш имкони йўқ бўлиб қолди. Ўзингизни ҳар қанча ўтга-чўққа урманг, сира чораси топилмаслиги, ҳаммасидан ҳам алам қиладигани олдиндан келишиб, шартнома имзолаб пулини олиб қўйган ташкилот кўзини лўқ қилгани бўлса керак.

– Фермерларнинг қонун билан ҳимояланадиган ҳуқуқларини поймол қилиб, тузилган шартномаларни бузиб келаётган ташкилотларга оид кўплаб ишларни кўриб чиқишга тўғри келаяпти, - дейди Сирдарё вилоят хўжалик суди судьяси Тоҳир Тожибоев. – Энг ачинарлиси, мулкдорларга бошида катта ваъда бериб, сўнгра сўзи устидан чиқмаётган ташкилотлар ҳам ўзи, ҳам шеригини мушкул аҳволга солиб қўяпти. Қатор корхоналарнинг агар таъбир жоиз бўлса, "попуги" пасайиб қолишига қонунга риоя этмаслик, лафзида турмаслик сабаб бўлаяпти.

Тадбиркор ҳуқуқи устувор. Унинг ҳақли талаби диққат билан эшитилиши, муаммо адолатли ҳал этилиши кафолатланиши шарт. Оқолтин туманидаги "Бунёдкор ёшлар" фермер хўжалиги аъзолари ҳам нобоп шерик дастидан куйганлардан чиқиб қолди. Хўш, тадбиркорни ким ранжитди? Келинг, яхшиси бу ҳақда батафсилроқ тўхталайлик.

Шу йилнинг 18 январида "Бунёдкор ёшлар" фермер хўжалиги ҳамда Оқолтин туман машина-трактор парки акциядорлик жамияти ўртасида 41-сонли шартнома имзоланади. Шартномага мувофиқ МТП фермер даласида етиштирилган ҳосилни саранжомлаш, техника хизмати кўрсатишни ўз гарданига олади. Мулкдор эса бажарилиши лозим бўлган юмушлар учун олдиндан ҳақ тўлаб бериши кўзда тутилган. Шартномага мувофиқ хўжалик 771 минг 915 сўм пулни олдиндан тўлаб қўйди. Бу орада буғдой ҳосили ҳам пишиб етилди. Аммо МТП ўроқчиларидан ҳеч дарак кўринмасди. Фермер бир неча бор корхонага бориб шартномани эсга солди. Қатор талабномалар жўнатди. Аммо МТП мутасаддилари қулоқлари том битгандек, пинак ҳам бузишмади. Илтимослар инобатсиз қолаверди.

Шошилинч чора кўрилмаса бир йиллик меҳнати ўтдай куйиши ҳеч гап эмасди. Эчкига жон, қассобга ёғ қайғуси деганидек, тадбиркор бошқа МТП ҳузурига бош эгиб борди. Катта сарф-харажатлар эвазига донни хирмонга тўктирди. Хайрият, меҳнат бесамар кетмади. Кўп югуриб-елиш оқибатида нобудгарчиликнинг олди олинди. Аммо нобоп шерикдан тўлаб берилган пул маблағлари суриштирилганда, ҳаммаси аллақачон сарфлаб юборилганлиги маълум бўлди. Уни қайтариш ҳеч кимнинг хаёлига келмаганлиги ҳаммасидан ошиб тушди. Тадбиркорлар тумандаги "Мадад" адвокатлик бюросига ариза билан мурожаат этишдан бошқа чора топишолмади. Ҳуқуқ ҳимоячилари фермер манфаатини кўзлаб Сирдарё вилоят хўжалик судига даъво аризаси киритди.

Суднинг шу йил 2 августдаги ҳал қилув қарорига мувофиқ Оқолтин МТП АЖдан 771 минг 985 сўм асосий қарз, 65 минг 052 сўм пеня ундириб бериладиган бўлди. Аммо техника мутасаддиларига бу сира хуш келмади. Оларда кирар жоним, берарда чиқар жоним, деганларидек қарзни тўлаш яна пайсалга солина бошланди. Аслида фермер корхона олдига бундан ҳам каттароқ талабларни қўйишга ҳақ эди. Лекин инсоф сари юз тутиб фақат ўз пулини тўлаб беришига рози эканлигини билдирганлиги ҳам уларни инсофга келтирмади. Оқибатда суднинг яна битта ҳал қилув қарори қабул қилинди. Унда мулкдорлар маблағларидан фойдаланиб келган МТП қарзни қайтаришдан бош тортганлиги учун 123 минг 517 сўмлик банк фоизини ҳам тўлаб беришга мажбур этилди. Энг ачинарлиси, корхонада илдиз отган лоқайдлик битта мижозни йўқотишга олиб келди. Тадбиркорлар ҳеч маҳал субутсиз шерикка умид боғлашмайди албатта.

Беихтиёр савол туғилади: Хўш, МТП фермерга панд бериб нима ютди? Шундоқ ҳам молиявий аҳволи ҳаминқадар корхонага бу яна бир оғир зарба эмасми? Ахир, жарималар жабри жамоа умумий даромадига таъсир этиб, шундоқ ҳам ишчи-ходимларга ойлик маош тўлаб беришда оқсаётган МТП яна чўкмайдими?

"Бунёдкор ёшлар"га ўхшаш МТП дастидан дод деб юрганлар Оқ олтинда оз эмас. Ажабо, мутасаддилар қаёққа қарашаяпти?!

**Н.ШАМСИЕВ,**
**«Ишонч» мухбири**

*Ибрат*

# ЁРДАМЧИ ХЎЖАЛИК
## кони фойда

***Одамлар онгида ўзгариш ясай билган, уларни ўз меҳнати самарасига ишонтира олган раҳбаргина муваффақиятга эришади. Наманган туманидаги «Ғайрат» ширкат хўжалигини бир неча йиллардан буён бошқариб келаётган Фаридахон Аҳмедова ана шундай жонкуp етакчилардан биридир.***

«Меҳнат инсонни улуғлайди» деганлари рост гап. Ўтган йиллар давомида Ф.Аҳмедова донгдор хўжалик раҳбари сифатида эл-юрт меҳрини қозонди. Унинг хизматлари ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланиб, «Меҳнат шуҳрати» ордени соҳибаси бўлди.

Опада далага бўлган меҳр эҳтимол узоқ йиллар давомида турли хўжаликларга раҳбарлик қилиб, ер билан тиллашган, эл билан доимо ҳамнафас отаси Аҳмаджон Қорабоев даврида уйғонгандир. Ҳар қалай «От ўрнини той босар» деганларидек, унинг ўзи ҳам қарийб 10 йилдан буён раисалик қилиб келмоқда. Очиғи, бу давр мобайнида хўжалик аҳлининг турмуш тарзи анча яхшиланди. Ишловчиларнинг моддий манфаатдорлиги ортди. Ислоҳотлар одамлар учун хизмат қилаётгани амалда ўз исботини топмоқда. Бу йил хўжалик заршунослари ўзларининг 2420 тонналик «оқ олтин» хирмонлари билан муносиб ҳиссаларини қўшдилар. Ҳар гектар ер ҳосилдорлиги 31 центнерданни ташкил этди. 710 тоннадан ортиқ пахта уруғлик учун топширилди. Ш.Шоазимов, Б.Акрамов, М.Зокиров, Б.Муродуллаев, А.Акрамов раҳбарлигидаги бош пудрат аъзолари ҳар гектар ердан 30-36 центнердан пахта хом ашёси йиғиштириб олиб, Фаридахон опага қанот бўлдилар.

Аҳилликда гап кўп. Биргина пахтачиликнинг ўзидан 750 миллион сўм даромад олиниши кутилиб, хўжалик иқтисодиётини мустаҳкамлашга, меҳнаткашлар турмуш шароитини яхшилашга омил бўлади. Хўжалик раҳбари томонидан маданий-маиший, спорт тадбирларига ҳам катта эътибор қаратилган. Қишлоқларда яшаётган ногирон, якка-ёлғиз, кам даромадли оилаларга галма-галдан моддий ёрдам, хўжалик қошида етиштирилаётган озиқ-овқат маҳсулотларидан тарқатилди. Хўжалик ҳудудидаги мактаблар, болалар боғчалари, соғломлаштириш масканларига эса йил давомида ҳомийлик кўмаги кўрсатиб келинаётир.

Болаларнинг ёзги дам олишлари учун ҳам 1 миллион сўмга яқин маблағ ажратилди. Қумкўрғон қишлоғи бир пайтлар қолоқ саналарди. Бугунга келиб 1234 гектар ер майдонида деҳқончилик қилаётган 917 нафар ишловчи юқори меҳнат самарадорлиги моддий манфаатдорлик гарови эканлигини тушуниб етишди. Бу эса аҳоли турмуш фаровонлигини оширишига ҳамда қишлоқ қиёфасини тубдан қайта чирой очишига олиб келди. Қишлоқни кесиб ўтган текис ва равон йўллар, бунёд этилган маданий-маиший бинолар, савдо шохобчалари шулар жумласидандир. Ёрдамчи хўжаликнинг йўлга қўйилиши ва ривожлантирилиши ҳам кўплаб қишлоқ аҳлини иш билан таъминлаш имконини берди. Ҳозирги кунда 600 нафарга яқин қорамол парваришланмоқда. Соғиб олинаётган сут Наманган шаҳридаги «Нестле» қўшма корхонасига сотилмоқда. Бу эса ўз навбатида хўжаликка мўмайгина фойда келтирмоқда. Келажакда ёрдамчи хўжалик тармоқларини янада кенгайтириш, кичик корхоналар ташкил этиш режалаштирилмоқда.



**С.АЪЗАМОВА,**
**«Ишонч» мухбири**

# БУ БАРЧАНИ ҚИЗИҚТИРАДИ

### Саволингизга Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши бўлим мудири Гулнора Сайбердиева жавоб беради

***САВОЛ: Мудофаа вазирлиги тизимидаги муассасаларда иш берувчи билан ходим ўртасида тузилган меҳнат шартномаси ходимнинг ўз вазифаларини мунтазам равишда бузганлиги учун бекор қилинаётганда иш берувчи касаба уюшма қўмитасининг розилигини олиш учун ёзма равишда мурожаат қилиши шартми?***

**Р.НОРҚУЛОВ,**
**Андижон вилояти**

**ЖАВОБ:** Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги билан Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси ўртасида вазирлик ва унинг таркибидаги ташкилотларда ишловчи махсус унвонга эга бўлмаган оддий ва раҳбар ходимларнинг 2004-2007 йиллар давомида белгиланган ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш бўйича тармоқ келишуви тузилган. Келишув Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигида 2004 йил 23 июлда №46 рақами билан рўйхатдан ўтказилган. Шу билан бирга Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирининг 10 августдаги №Д-7-сонли директиваси билан тизимдаги барча раҳбарларга мазкур ҳужжатни тўлақонли бажарилишини ташкил этиш мақсадида юклатилган. Ушбу ҳужжатда тизимдаги ходимларни тўлиқ иш билан таъминлаш, уларга қулай меҳнат шароитларини яратиш, иш вақти ва дам олиш вақти, меҳнатга ҳақ тўлаш ва кафолатли тўловлар, компенсация тарзидаги тўловлар, ишлаётган байналминалчи жангчиларга бериладиган имтиёз ва кафолатлар бўйича иш берувчининг мажбуриятлари ҳамда тармоқ касаба уюшмаси Марказий қўмитасининг мажбуриятлари киритилган. Шу билан бирга ходимларни ва уларнинг оила аъзоларини иқтисодий ҳимоялашга қаратилган алоҳида бўлим ҳам мавжуд.

Тармоқ Келишувининг 2.2.4 бандида «Касаба уюшма қўмитасининг олдиндан розилигини олмай туриб иш берувчининг ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қилишга йўл қўйилмайди» дейилган. Сиз ишлаётган ташкилотнинг жамоа шартномасига ушбу иш берувчининг мажбурияти тармоқ келишувининг 2.1.3 бандига биноан киритилиши лозим ва бажарилиши шарт.

## БИЗДАН СЎРАГАН ЭДИНГИЗ



# ДОИМИЙ РЎЙХАТДА ТУРМАГАН
## фуқаролар учун Тошкент шаҳридан уй-жой сотиб олиш тартиби

### Саволингизга давлат нотариуси Лайло Алиева жавоб беради

***САВОЛ: Тошкент шаҳрида доимий рўйхатда турмаган фуқаролар учун Тошкент шаҳридан уй-жой сотиб олиш тартиби қандай?***

**Л.ҚИЛИЧЕВ,**
**Қашқадарё вилояти**

**ЖАВОБ:** Уй-жой сотиб олиш тартибини такомиллаштириш ва Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг Тошкент шаҳрида доимий яшаш учун келиши Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 27 феврал кунидаги 92-сонли «Хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар томонидан Ўзбекистон Республикасида уй-жой сотиб олинишини ҳамда доимий яшаш учун Тошкент шаҳрига келишини тартибга солиш тўғрисида»ги Қарори ва ушбу қарорга киритилган 2004 йил 16 декабрдаги 586-сонли ўзгартиришлар асосида амалга оширилади.

Ушбу қарорнинг 1-банди 1-хат бошида Ўзбекистон Республикасида жойлашган уй-жойларни чет эл фуқаролари, шу жумладан МДҲ фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар томонидан сотиб олиш, айрибошлаш ёки гаровга қўйиш бўйича битимларни нотариал тасдиқлашлари алоҳида таъкидланган. Шунингдек, ТИБларда давлат рўйхатидан ўтказишда ҳаракатдаги қонунчиликда кўрсатилган ҳужжатлар билан бир қаторда Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари томонидан белгиланган тартибда берилган яшаш гувоҳномалари тақдим қилиниши белгиланган.

Шунга кўра, нотариуслар уй-жойларни олиб сотиш, айрибошлаш ёки гаровга қўйиш ҳақидаги битимларни тасдиқлаш бўйича нотариал ҳаракатларни амалга оширишни сўраб мурожаат қилган фуқароларнинг шахсини юқорида кўрсатилган ҳужжатлар асосида аниқлашлари зарур.

Қарорда кўрсатилишича, уй-жойлар ҳадя қилувчига қариндош бўлмаган ва Ўзбекистонда яшаш гувоҳномаси бўлмаган чет эл фуқаролари, шу жумладан, МДҲ давлатлари фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга ҳадя қилингани ҳақидаги шартномаларни давлат рўйхатидан ўтказишда уй-жойнинг ТИБ (БТИ) томонидан белгиланган инвентар қийматининг 100 фоизи миқдорида йиғим олиниши керак.

Қарорнинг 2-банди, 3-хат бошида Республиканинг бошқа регионларда яшовчи Ўзбекистон Республикаси фуқаролари сотиб олувчи сифатида қатнашиши махсус комиссиянинг Тошкент шаҳрида прописка қилишга рухсат бериш ҳақидаги қарорини тақдим этгандагина амалга оширилиши кўрсатилган. Шунинг учун, Тошкент шаҳар ҳудудидаги нотариуслар мана шундай шартномаларни тасдиқлаш бўйича нотариал ҳаракатни амалга ошириш вақтида, албатта, комиссия қарорини талаб қилишлари зарур.

Ўзбекистон Республикасининг бошқа минтақалари аҳолиси уй-жой сотиб олаётган томон ҳисобланган тақдирда уй-жой сотиб олиш, айрибошлаш, ҳадя қилиш ёки гаровга қўйиш битишувларини нотариал тасдиқлаш ва кейинчалик уларни «Ер геокадастр» давлат қўмитаси органларида давлат рўйхатидан ўтказиш фақат махсус комиссиянинг Тошкент шаҳрида рўйхатдан ўтишга рухсат бериш тўғрисидаги қарори тақдим этилгандан кейингина амалга оширилади.


# ВНИМАНИЮ АКЦИОНЕРОВ ОАО «GAZAVTOMATIKA»

**Внеочередное Общее собрание акционеров состоится 18 ноября 2005 года в 10.00 часов утра на 4 этаже адмнистративного здания по адресу: г.Ташкент, Чиланзар, 20 квартал, а/я 1361**

**Повестка дня:**

**1.Увеличение уставного фонда ОАО «GAZAVTOMATIKA».**

С информацией, подлежащей представлению акционерам при подготовке к проведению внеочередного Общего собрания акционеров, акционеры могут ознакомиться в обществе по указанному адресу.

Регистрация акционеров проводится с 9.00 до 9.40 часов, акционерам иметь при себе паспорт, а представителям акционеров – паспорт и доверенность, заверенную нотариально.

**Наблюдательный совет ОАО «GAZAVTOMATIKA».**

**ИНФОРМАЦИЯ**
**о существенных фактах (событиях, действиях) затрагивающих финансово-хозяйственную деятельност эмитента ОАО «GAZAVTOMATIKA»**
**Порядковый номер сообщения – 07**

**Наступление даты закрытия реестра дата принятия эмитентом решения о дате, на которую составляется список владельцев ценных бумаг** – 17 октября 2005 года.

**дата, на которую составляется список владельцев ценных бумаг** – 17 октября 2005 года.


# Спорт оламида



*Теннис*

## КУЧЛИЛАР САФИДА



Россия пойтахтида ниҳоясига етган теннис бўйича «Кремль Кубоги» халқаро турнирида эришган ғалабаси туфайли россиялик Игор Андреев АТР таснифида 25- ўринга кўтарилди. Теннисчи ўз фаолияти давомида илк марта бундай юқори ўринга чиқди. Душанба куни эълон қилинган рўйхатда 22 ёшли теннисчи бир йўла олти поғона юқорига кўтарилди.

Кучли ўнликда ҳамон ўша-ўша ҳолат сақланиб турибди. Швейцариялик Роже Федерер 1245 очко билан карвонбоши бўлиб турган бўлса, кейинги ўринда испаниялик Рафаэль Надал (853 очко) бормоқда. Кучли учликни америкалик Энди Роддик якунлайди.

## ШАРАПОВА – ҲАМОН БИРИНЧИ



«Кремль Кубоги» халқаро турнирининг аёллар ўртасидаги беллашувида россиялик Мария Шарапова чорак финалда ҳамюрти Динара Сафинага имкониятни бой берган бўлсада, ҳамон Бутунжаҳон аёллар теннис уюшмаси рўйхатини бошқариб боряпди. Белгиялик Ким Клейстерс ҳамда америкалик Линдсэй Дэвенпортлар кейинги ўринда бормоқда.

Франциялик Мари Пеьрс «Олимпийский» спорт мажмуасида эришган муваффақияти туфайли икки поғона юқорига кўтарилди. Энди у кучлилар рўйхатида бешинчи ўринга чиқди.

*Автоспорт*

## «РЕНО» КОНСТРУКТОРЛАР КУБОГИНИ ҚЎЛГА КИРИТДИ

Кеча автопойга бўйича «Формула -1» классидаги жаҳон чемпионати баҳслари якунланди. Хитойнинг Шанхай шаҳри йўлларида кечган пойгаларнинг якунловчи куни Конструкторлар Кубоги учун икки давогар жамоа номи маълум эди. «Рено» ҳамда «Макларен» жамоалари бу совринга асосий даъвогарлар саналарди.

Жаҳон чемпиони Фернандо Алонсо ва Жанкарло Физикеллалар биринчи йўлда баҳсга киришди. Кими Райконен ҳамда Хуан Пабло Монтойялар учинчи ва бешинчи йўлда пойгага чиқди. Мутахассислар пойга аввалида «Рено» вакиллари ғалаба қозонишини тахмин қилганди. Чунки бу жамоа ўз машинасига янги моделдаги двигател ўрнатгани боис унинг қуввати анча ошганди. Улар ҳақ бўлиб чиқди. «Рено» нуфузли кубокни қўлга киритди.

Хитойда ўтган чемпионатдан сўнг учта жамоа ўз номини йўқотди. «Жордан» энди «Мидлэнд» деб аталса, «Заубер» ўз номини «БМВ» га ўзгартирди, камтарона «Минарди» нинг номи «Ред Булл» га алмашди.

*Бокс*

## КУБАЛИКЛАР «ТОЖ»НИ ҚАЙТИБ ОЛМОҚЧИ

Хитойда ўтадиган чемпионат арафасида кубалик боксчилар машғулотларни ўта тиғиз тарзда давом эттирмоқда. Улар ушбу чемпионатда жаҳоннинг энг кучли терма жамоасига аталган «тож»ни қайтариб олиш ниятидалар.

«Навбатдаги чемпионатда асосий рақибларимиз россияликлардир. Аммо, Қозоғистон, ЎЗБЕКИСТОН ҳамда АҚШ вакиллари ҳам кучли саналади» деб айтган Куба вакили Сарбелио Фуэнтес. Ноябр ойининг ўрталарида бошланадиган нуфузли чемпионатда қатнашиш учун 22 нафар кубалик боксчи машғулотларга киришган. Яқин кунларда асосий 11 нафар боксчи танлаб олинади. Бироқ, ҳозирданоқ бу рўйхатга олимпиада чемпионлари бўлган Ян Бартоломью (48 кг), Юриолькис Гамбоа (57 кг) ҳамда Одланиер Солис (91кг)ларни бемалол киритиш мумкин.

Кариб ҳавзаси мамлакатининг энг номдор боксчиси, «Сидней-2000» ҳамда «Афина-2004» олимпиадалари ғолиби Гильермо Родригес ҳам Хитой рингларида жанг олиб боради. Эслатиб ўтамиз, кубаликлар пешқадамликни 2003 йил Таиландда ўтган чемпионатда россияликларга бериб қўйганди.

**А. ЮНУСОВ тайёрлади**

*Ўзбекистон Республикаси Олий судида*

# КЎНГИЛ НОТОЗА БЎЛСА...

(Боши 1-бетда)

Сўнгра у қўшни давлат ҳудудига қочиб ўтганларида у ердаги палаткаларда қандай ёрдам кўрсатилгани ҳақида сўзлади. Судда раислик қилувчининг: «Ўша «қочқин»лар сафида яқин танишларингиз бормиди?» деган саволига М.Зокирова: «Танишларимдан - икки нафар келин аям, акамнинг турмуш ўртоқлари ҳозирги пайтда Руминияда, улар - Розияхон Мўминова ва Хумора Мўминова», деб жавоб қайтарди.

Кейинроқ айни ҳолат бўйича шу нарса аниқ бўлдики, Руминияга М.Зокированинг икки эмас, беш нафар қариндоши олиб чиқиб кетилган. Булар - 1974 йилда туғилган Зулхумор Мўминова, 1990 йилда туғилган Дилрабо Мўминова, 1992 йилда туғилган Дилмура Мўминова, 1965 йилда туғилган Розия Мўминова, шунингдек, 1987 йилда туғилган Хуршида Мўминова.

Шундай қилиб, олдиндан ёлғон кўрсатма берганлик ва кўрсатма беришдан бош тортганлик учун Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддалари бўйича жиноий жавобгарлик тўғрисида огоҳлантирилган ва бу ҳақдаги тилхат билан танишиб, барчанинг кўз ўнгида шу тилхатга имзо қўйган М.Зокирова ўзининг Руминиядаги яқин қариндошлари ҳақида нотўғри кўрсатма берди.

Бундан ташқари, М.Зокированинг 1963 йилда туғилган акаси Мўминов Абдулазиз «Акромийлар» диний оқими аъзоси сифатида фаолият юритган ва айни пайтда унинг устидан тергов ишлари бошланган. «Акромийлар» диний оқимининг аъзоси бўлган яна бир акаси - Мўминов Маҳаммаджонга (1968 йилда туғилган) нисбатан эса қидирув эълон қилинган.

Судда: «Ўша қариндошларингиз билан фақат «қочқинлар» лагерида кўришиб қолдингизми?», деб берилган саволга М.Зокирова: «Уларни ҳокимият олдида ҳам кўрган эдим. Розияхон Мўминованинг беш нафар фарзанди бор. Хумора Мўминованинг тўрт нафар фарзанди қолган, бир нафар фарзандини болалар уйига топшириб юборишипти», деб жавоб қайтарди.

Гувоҳнинг бу сўзларига ҳам ёлғон аралашган. Чунки М.Зокирова ўзи тилга олган бу қариндошлари билан бир хонадонда (Андижон тумани, Ҳакан қишлоқ фуқаролар йиғини, Қумкўча, 304-уйда) бирга истиқомат қилган.

Шу маънода, 13 май эрталаб М.Зокирова 4 нафар боласи, З.Мўминова ва Р.Мўминова 5 нафардан боласини етаклаб, вилоят ҳокимлиги биноси олдига биргаликда келгани ҳақиқатга яқинроқ. Зеро, доим битта эшикдан кириб-чиқадиган, устига-устак, маслаги бир хил, яъни «Акромийлар» оқимига хайрихоҳ одамларнинг бир вақтнинг ўзида бир жойда (айнан ўша оқим тарафдорлари уюштирган «тинч намойиш»да) бир-биридан мутлақо бехабар ҳолда, яъни тасодифан учрашиб қолиши мантиққа зид.

Бундай ҳолат М.Зокирова ўз кўрсатмаларининг бошида: «12 май куни туғилган куним бўлганлиги сабабли, ҳар йили турмуш ўртоғим мени фарзандларим билан шаҳарга айлантиргани олиб чиқар эдилар. 2005 йил 12 май куни турмуш ўртоғим ишда кеч қолиб кетгани учун ўзим эртаси, яъни 13 май куни тўрт нафар фарзандимни олиб шаҳарга чиқдим», деган сўзларини ҳам шубҳа остига қўяди.

Шунингдек, М.Зокирова Қирғизистонга қочиб ўтганлар орасида бошқа танишлари, хусусан, уч болали маҳалладоши бўлгани ҳақида сўзлади. Бу ҳолат ҳам, назаримизда, унинг болалари билан якка ўзи сайрга чиққани ҳақидаги кўрсатмаларини гумон остида қолдиради.

М.Зокирова майдоннинг қаерида тургани тўғрисида бир ўринда: «Мен чеккада эдим», деса, бошқа гал: «Милиция ходимлари ва ҳарбийларни ҳокимиятга гаровга олиб келишганини кўрганим йўқ, мен оломоннинг ўртароғида юрганман», дейди. Судда: «Модомики, майдонда хавф-хатар мавжуд экан, тўрт нафар болангиз билан у ерда эрталаб соат 10-11 лардан токи кечки 6-7 ларгача нега қолиб кетдингиз?», дея берилган саволга: «Мени отиб ташлашади деб ўйлаб, уйимга кетишга ҳаракат қилмадим», деб жавоб қайтарган бўлса, бошқа ўринда: «Ёнимдаги одамдан нимага қочиб кетмаяпмиз деганимда, олдинга гаровдагиларни қўйишар экан, кейин кетар эканмиз, деди», қабилида гапирди.

Шу тариқа, М.Зокированинг пойинтар-сойинтар ва ёлғон кўрсатмалардан иборат гувоҳлик берганининг туб сабаблари, ноxолис кўрсатмалардан кўзланган мақсад нима эканлиги, қолаверса, бунинг ортида қандай ғаразли кучлар пинҳонлигини ҳам тушуниб олиш қийин эмас.

Айрим хориж оммавий ахборот воситалари бу гапларни ўзларидан қўшиб-чатиб тарқатгани ҳам фикримизни тасдиқлайди.

Бунда чет эллик ҳамкасбларимиз, биринчи навбатда, «қаҳрамон» имиджини яратишга жиддий эътибор қаратгани яққол сезилиб турибди. Хусусан, ушбу мавзу бўйича ғаразли хабар тарқатган барча хорижий оммавий ахборот воситалари М.Зокировани «Ёш боласи (!) билан сайрга чиққан аёл» сифатида тасвирлади. Ваҳолонки, М.Зокирова майдонга бир эмас, тўрт нафар норасида фарзандини етаклаб борган. Бу ҳақда унинг ўзи: «Ёнимда 12 ёшли қизим, 10 ёшли ўғлим, 3 ёшли ўғлим, 7 ойлик ўғлим бор эди», деб гувоҳлик берди.

У ўзини ва болаларини «қочқинлар» лагеридан турмуш ўртоғи билан акаси олиб қайтганини айтди. Чет эл журналистлари эса: «М.Зокировани эрининг акаси лагердан мажбурлаб олиб келган», дея нотўғри ахборот тарқатди.

Бир қарашда арзимасдай кўринадиган бу каби ноxолис талқинларнинг замирида катта мақсад ётибди. М.Зокирова ва унинг болалари тақдирига эри ва акаси аралашганлиги ҳуқуқий жиҳатдан асосли ҳаракатдир. Чунки, бир томондан, оила бошлиғи ва ота ўз турмуш ўртоғи билан фарзандлари учун қайғуришга ҳақли ва бурчли бўлса, иккинчи томондан, ака билан сингил энг яқин қариндошлар сирасига киради.

Воқеага сохта равишда эрнинг акасини аралаштиришдан кўзланган ғаразли ният эса жамоатчиликда гўёки бу ўринда инсон ҳуқуқлари поймол этиляпти, дегандек нотўғри тасаввур пайдо қилишдан иборат. Қолаверса, бунда мусулима аёлни гўёки номаҳрам эркак зўравонлик билан уйига олиб қайтгани ҳақида сохта ахборот тарқатиш орқали эътиқодли кишилар орасида М.Зокировага нисбатан хайрихоҳлик кайфиятини шакллантириш кўзда тутилгани шубҳасиз.

Хориж манбаларида: «Тошкентда ўтаётган судда ҳуқуқ-тартибот кучлари биринчи бўлиб ўт очгани хусусида гувоҳлик берилди» қабилида ахборот ҳам тарқатилди. Ҳолбуки, М.Зокирова ўз кўрсатмаларида бундай гапни умуман тилга олгани йўқ.

Аслида барча судланувчилар, гувоҳлар, жабрланувчилар ва даъвогарлар 13 май куни вилоят ҳокимлиги олдидаги майдонда уч ҳолатда отишма кузатилганига тегишли тартибда ойдинлик киритдилар. Биринчидан, бу ерга яқинлашиб келган «УАЗ» машинасига қарата жангарилар томонидан ўқ отилган, иккинчидан, майдондаги оломон тарқалиб кетмаслиги учун вақти-вақти билан осмонга ўқ узиб турилган, учинчидан, террорчиларга қурол тарқатиш чоғида ундан фойдаланишни билмаганлар тасодифий отишмаларга сабабчи бўлган.

М.Зокирова ким қайси томондан отгани ҳақида аниқлик киритиш юзасидан берилган саволга: «Бўйим пастлиги учун олдинда нималар бўлаётганини ўз кўзим билан кўра олмадим», деди.

Гувоҳлик берган О.Усмонов залда ўтирган судланувчилардан Таваккалбек Ҳожиев қўлида автомат тутиб, майдонда йиғилганларни тартибга солиш билан шуғулланганини, Ғуломжон Нодиров эса гаровга олинган милиция ходимининг бошига тўппонча тираб, ҳокимлик биносига олиб кириб кетганини айтди. У ушбу ҳолатларни видеотасвирга туширган.

М.Зокирова мазкур воқеалар ҳақида умумий гаплардан нарига ўтмади. У олдиндан пухта тайёргарлик кўрган қуролли жангарилар ярим тунда амалга оширган хунрезликлар, жумладан, улар қамоқхонадаги маҳкум ва маҳбусларни озод қилганлиги, ҳарбий қисмдан қурол-яроғларни олганлиги ҳақида ҳам ҳеч нарса эшитмаганини айтди.

Айни чоғда, судда бу борада кўплаб холис ва асосли кўрсатмалар тингланди. Жумладан, жабрланувчи - Андижон вилояти ички ишлар бошқармаси пост-патруль хизмати батальони милиционери Илҳом Муҳамедов 12 май куни кечаси зудлик билан базага етиб келиш ҳақида топшириқ олгани ва беш нафар ички ишлар ходими билан «Тико» патруль машинасида батальон биносига яқинлашганларида, у ерда бир гуруҳ номаълум шахсларни кўргани ҳақида гапирди.

«Улардан бири тўсатдан қўлидаги автоматдан аёвсиз ўқ ёғдирди, - деди И.Муҳамедов. - Уч нафар ходим оғир яраландик. Ўзим 25 кун ичида олти марта операция қилиндим. Асорати ҳали ҳам бор». Ушбу батальон ходими Санжарбек Шоҳинов ҳам 12 май куни кечаси хизматдошлари Таваккалбек Сотқинов, Даврон Рўзиев ва Шояд Тожибоев билан биргаликда «УАЗ» машинасида батальонга яқинлашган чоғда, «Дамас» олдида турган нотаниш кимсалардан бири уларга қарата пистолетдан кетма-кет ўқ уза бошлайди.

«Натижада ҳайдовчимиз Д.Рўзиев шу жойнинг ўзида ҳалок бўлди,» - деди судда С.Шоҳинов. «Сизларга ўқ узган шахс судланувчилар орасида борми?», деган саволга у судланувчилар орасидан Алишер Ҳакимовни кўрсатди.

Андижондаги қамоқхонада катта тезкор вакил бўлиб хизмат қилувчи Абдуманноп Қаҳҳоров ўша кеча патруль хизматини ўтаётган эди. Ярим тунда муассаса дарвозаси олдида «ЗИЛ» машинаси келиб тўхтаб, ундан тушган номаълум кимсалар кутилмаганда уларга қарата ўқ отишга тушади.

«Сал орқароқда бўлсамда, бошимдан жароҳатланиб, ҳушимдан кетдим, - дейди А.Қаҳҳоров. - Кейин билсам, мен билан патруль хизматида бўлган ходимлар ҳалок бўлишган экан».

Даъвогар фуқаро Абдужалил Акбаров Андижон давлат университети сиртқи таълим бўлими мудири вазифасида ишлайди. Улар яшайдиган кўпқаватли уй Миллий хавфсизлик хизмати вилоят бошқармаси биносининг орқа томонида жойлашган. «12 май куни тунда кутилмаганда ўқ овозларини эшитиб, уйғониб кетдим, - деди судда А.Акбаров. - Дарҳол болалар хонасига ўтиб, ўғлимни пана қилиб ётдим. Шу пайт бир ўқ дераза ойнасини синдириб, елкамга келиб тегди».

Жабрланувчи Турсунбой Эргашев эса 13 май куни эрталаб оғир бетоб қайнотасини шахсий машинасида вилоят шошилинч тиббий ёрдам марказига олиб келади. «Биз билан бирга рафиқам ва жиянимиз бор эди, - дейди у. - Шифохона дарвозаси олдида турган бир гуруҳ қуролли шахс қўли билан «тўхта» ишорасини қилди ва ўқ уза бошлади. Машинани тез орқага олдим, шунга қарамай, ўқ ойнани тешиб ўтиб, жиянимнинг қўлига тегди. Энг ачинарлиси, вақтида зарур тиббий ёрдам кўрсатилмагани учун қайнотам эртасига вафот этди».

Судда гувоҳ сифатида кўрсатма берган, айни пайтда қамоқда бўлган Қобилжон Саматовнинг айтишича, 13 май куни кечки пайт жангарилар гаровдагиларни ўзларига қалқон қилиб, саф тортиб қочаётганида, узоқдан қуролсиз бир ҳарбий қўлини кўтариб нималарнидир тушунтирмоқчи бўлаётганини кўради. Жангарилар орасидан кимдир: «Отиб ташланглар уни», дея буйруқ беради. Шундан сўнг пала-партиш отишма бошланади.

«Ётиб қолган жойимдан турганимда, «Акромийлар» оқими фаолларидан бири Ботир Раҳмоновнинг бешолти нафар ярадор биродарларимизни отиб ташлаётганига кўзим тушди, - деди ўз кўрсатмаларида Қ.Саматов. - Ёнимдаги шеригимга: «Қара, нима қиляпти, ахир» десам, у: «Индама, балога қоласан», деди.

Гувоҳ Хуршид Эгамбердиев мажбуран Қирғизистонга ўтиб, кейин қайтиб келганлардан. У ҳам: «Чўлпон шоҳкўчасидаги пала-партиш отишма бир оз тингач, жангарилар ерда ётган одамларни ҳам отиб ташлаб кетишди», - деди ўз кўрсатмасида...

Халқимиз ичи қора, дилгир, кўнгли ёмон, нияти бузуқ одамлардан жирканади, уларнинг асл башарасини очиб ташлашга ҳаракат қилади. Андижондаги машъум фожиаларнинг бошида турган ва уларнинг «тегирмонига сув қуйган», кўнглининг кирини етти дарё суви ҳам тозалай олмайдиган бундай кимсалар ўз қилмишларига яраша жазо олиши муқаррар.

**Ғулом МИРЗАЕВ,**
**Беҳзод НОРБОЕВ,**
**ЎзА махсус мухбирлари**

